

Қаробати борга ва ғарибга нафақа қилишнинг фазли



14:20 / 28.07.2025 962

Агар ушбу инсоний муомалалар одоби бўйича комил амалий барномани маҳкам тутадиган бўлсак, дунё ва охиратда саодатга эришгаймиз.

عَنْ جَدِّهِ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَقَدْ بَعَثْتُكُمْ

Каъбдан ривоят қилинади:

«Ким қариндошига ёки юридан айрилган ғарибга нафақа берса, унинг ажри икки баробар бўлади».

юрганларидан кўра яхшироқ. Сен ҳар қандай инфоқ қилсанг ҳам, албатта ажр оласан. Ҳатто аёлингнинг оғзига тутган луқманг учун ҳам», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, энди ҳижратимдан қолиб кетаманми?» дедим.

«Мендан кейин қолиб, Аллоҳнинг розилиги учун бир иш қилсанг, албатта Аллоҳнинг ҳузуридаги мартабанг ва даражанг ортади. Шоядки, сенинг қолишингдан баъзи қавмлар манфаат топиб, бошқалари зарар кўрса. Аллоҳим, саҳобаларимнинг ҳижратларини охирига етказгин ва уларни ортларига қайтариб юбормагин! Лекин бечора Саъд ибн Хавла...» дедилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга ачиндилар. У Маккада вафот қилган эди.

Ёки унинг Маккада вафот этганидан ачинаётган эдилар».

Шарҳ: «Сен меросхўрларингни бой ёки яхши ҳолда тарк қилмоғинг уларнинг бошқалардан тиланиб юрганларидан кўра яхшироқ. Сен ҳар қандай инфоқ қилсанг ҳам, албатта ажр оласан. Ҳатто аёлингнинг оғзига тутган луқманг учун ҳам».

Бу ривоятда нафақанинг қанақаси бўлса ҳам, барибир савоб бўлиши, ҳатто аёлининг оғзига тутган бир луқма таоми учун ҳам савоб олиши қатъий таъкидланяпти.

Шу билан бирга, Расули акрам алайҳиссалату вассалом Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг вафот этмай қолишининг ва келажакда кўпгина мусулмонларга ёрдам беришининг ҳамда кофиру мушрикларга зарар келтиришининг башоратини беряптилар.

Бу башорат воқеликда содир бўлди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу Шом ва Форсдаги фатҳларнинг бошлиғи бўлдилар ва у кишидан кўп одамлар манфаат топди ҳамда душманлар зарар кўрди.

عَنْ عُبَيْدِ بْنِ عُطَيْبٍ وَتَوَاتَرًا لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ كُنِيَ بِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
سَانِلًا

Омирдан ривоят қилинади:

«Кишининг меросхўрларини одамларга муҳтож бўлмайдиган қилиб қолдирган молидан кўра ажри улуғ моли йўқ».

Шарҳ: Демак, аввалги ҳадисларда ҳам таъкидланганидек, аҳли аёлга, фарзандларга мерос қолдирилган мол-мулкнинг ажри ҳам энг кўп бўлар экан.

Баъзилар турли сабабларга кўра вафотидан аввал мол-мулкни фарзандларига қолдирмай, бошқа томонларга сарфлаб юборади.

Бу нотўғри иш экан, чунки бола-чақага насиб бўлган, фарзандларга фойдаси тегадиган меросдан ҳам улкан ажрлар ҳосил бўлиб, мол-мулкнинг эгасига бориб турар экан.

Зеро, юқоридаги ҳадисда айнан шу ҳақда гап бормоқда.

Эслатма: Бу китобда энг афзал асрда яшаб, ижтимоий муомалалар бўйича оламга олий мақом намуна тақдим этган кишилардан нақл қилинган тарбия, ахлоқ ва одобга тўла матнлар жамланган. Уларни ҳаётимизга татбиқ қилишга муваффақ айласин!

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.